

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ БОЗОРИДА СОТИШ ТИЗИМИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Юлдуз Раимовна ЯКУБОВА

Катта ўқитувчи

Маъмун университети НТМ

Урганч, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат товарлари бозорларини ривожлантиришда сотиш тизимларини ривожлантириш йўналишлари таҳлил қилинган ва уларнинг назарий асослари баён қилинган.

Таянч сўзлар: маркетинг, инновация, озиқ-овқат хавфсизлиги, илмий-тадқиқот, инфратузилма, озиқ-овқат товарлар бозори.

ВНЕДРЕНИЕ СИСТЕМЫ ПРОДАЖ НА РЫНКАХ ПРОДОВОЛЬСТВЕННЫХ ТОВАРОВ И ЕЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ

Юлдуз Раимовна ЯКУБОВА

Старший преподаватель

НКО университет Маъмуна

Ургенч, Узбекистан

Аннотация

В данной статье проанализированы направления развития систем продаж в развитии продовольственных рынков Республики Узбекистан и излагаются их теоретические основы.

Ключевые слова: маркетинг, инновации, безопасность пищевых продуктов, исследования, инфраструктура, продовольственный рынок.

Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш глобал муаммо сифатида қаралаётган бир вақтда, истеъмол узлуксизлиги ва талабни мақсадли кондиришда озиқ-овқат бозорини самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади. АҚШ давлат департаменти, Жаҳон банки, “Cargill” трансмиллий компанияси ва бошқа экспертларнинг глобал озиқ-овқат товарлари бозорининг 2020-2030 йиллардаги ҳолати бўйича прогнозларига кўра, озиқ-овқат товарлари бозорида инкирозли жараёнлар кузатилишини эътироф этмоқдалар. Озиқ-овқат маҳсулотлари йирик ишлаб чиқарувчилари фикрларига кўра, (FEMA) “маҳсулот ишлаб чиқариш ва захираларининг бир фоизга қисқариши, маҳсулотларнинг бозор нархларини 395 фоизга ошириши

мумкин”лиги бўйича хулосалар бермоқда. COVID-19 короновирус пандемияси шароитида, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилувчи мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бош муаммоси сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сон “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқотимиз муайян даражада хизмат қилади.

Замонавий иқтисодиётнинг озиқ-овқат сектори иқтисодий, техник, технологик, ахборот инфратузилмасига эга бўлган кўп тармоқли комплекс сифатида шаклланган. Озиқ-овқат товарлари бозори ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у инсон фаолиятини бирламчи эҳтиёжларини таъминловчи зарурий товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни ўз ичига олади.

Озиқ-овқат товарлари бозори – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган мураккаб тузилмавий савдо тизимларини ўзида бирлаштирувчи жараёнларда бўладиган муносабатлардир. Ушбу бозор нафақат агросаноат бозори билан балки, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш самарадорлиги, унинг

рақобатбардошлиги ва аҳоли даромадларининг ўсиши, бозор механизми элементларининг ҳолати ва динамикасини белгиловчи омиллар билан бевосита боғлиқдир.

Озиқ-овқат сектори мамлакат иқтисодиётида қуйидаги бир қатор муҳим вазифаларни бажаради:

истеъмолчиларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун шароит яратади;

савдо жараёнлари орқали сотувчилар ва харидорларнинг ўзаро муносабатини таъминлайди;

озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, талаб ва таклиф муносабатларининг миқдорий нисбатларини белгилайди;

нархларнинг мувозанат даражаси ва турли хил озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўртасидаги нисбатни тартибга солади;

ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тўғридан-тўғри ва ўзаро алоқани таъминлашда "мувозанатлашган индикатор" ролини бажаради.

Озиқ-овқат товарлари бозорининг моҳияти ва мазмуни, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашга услубий ёндашувлар, унга таъсир этувчи омиллар замонавий адабиётларда ҳамон ўрганилмоқда ва аниқ илмий тўхтамга келинмаган.

Бугунги кунга келиб озиқ-овқат бозори бир нечта асосий тушунчаларни ўзида бирлаштиради, жумладан, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва агробизнес. Шунга асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари бирламчи эҳтиёжни қондирувчи товарлар, яъни, инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган товарлар ҳисобланади. Озиқ-овқат товарлари бозори ва унинг назарий асослари аввало "агробизнес" тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, ушбу бозор XX асрда шакллانган ва кўплаб талқинларга эга.

Мамлакатнинг озиқ-овқат товарлари бозори маълум бирламчи эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқилган агросаноат мажмуи (АСМ) ва чакана савдо (чакана савдо тармоғи)нинг ўзаро таъсирсизлиги юзага келиши мумкин эмас. Ушбу бозорнинг бошқа бозорлардан нисбатан асосий фарқли

жиҳати шундан иборатки, ундаги бирламчи инқироз ҳамда давлатнинг озик-овқат ва кейинчалик унинг иқтисодий хавфсизлиги бузилишига ва ижтимоий сиёсий вазиятни салбий оқибатларига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда озик-овқат товарлари бозорининг шаклланиши ҳамда ривожланишининг эмпирик ва назарий асосларини ўрганиш замонавий озик-овқат товарлари бозори фаолият юритиш моделларини аниқлаш, "наرخ", "рақобат", "талаб", "таъминот" кабиларни тоифалари призмаси орқали озик-овқат товарлари бозори фаолияти механизмини анъанавий идрок этиш зарурлиги намоён бўлмоқда. Бунинг учун маркетингнинг назарий асоси, хусусан, "истеъмолчиларнинг хулқ-атвори" тоифаларига эътибор қаратиш зарур. "Истеъмол амалиёти", "истеъмолчилар тажрибаси", "истеъмолчилар ўртасидаги низолар", "истеъмолчиларга бўлган ишонч" тушунчалари озик-овқат тўғрисидаги қонун устуворлиги тушунчасини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган замонавий озик-овқат бозорининг асослари сифатида қаралади.

Озик-овқат товарлари бозорнинг ўзига хос хусусияти, биринчи навбатда, сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатлар ва воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланиб, ишлаб чиқарувчи томонидан озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ўз вақтида ошириш ёки камайтиришнинг иложи бўлмаган ҳолатларда ҳам озик-овқат истеъмолини харидор узоқ вақт давомида ушлаб туролмаслигидир. Шу сабабли, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар томонидан маълум бир тизим сифатида, бозорнинг ўзига хос хусусияти сифатида тан олинishi керак. Шундай қилиб, бозорнинг асосий таркибий қисмлари – талаб ва таклиф нарх тизимидан келиб чиқиб, бошқа томоннинг позициясига мос равишда жавоб бера олади.

Олимларнинг фикрига кўра, озик-овқат бозори ва унинг ўзгариш хусусиятларини ўрганаётганда, фанлараро ёндашувдан фойдаланиш керак, чунки ушбу бозорнинг ҳозирги ривожланиш тенденциялари неоклассик назария доирасида таҳлил қилиниши мумкин эмас, чунки иқтисодий бўлмаган

кўплаб объектив ва субъектив омиллар (ижтимоий, демографик, сиёсий ва бошқалар) озиқ-овқат товарлари бозори ва унинг конъюнктурасига жиддий таъсир кўрсатади.

Жаҳон озиқ-овқат товарлари бозори субъектларининг хатти-ҳаракати неоклассицизм назариясига тўғри келмайди. Масалан, Т.Веблен назариясига асосланган ҳолда А.В.Савельева фикрича, озиқ-овқат товарлари бозорини таҳлил қилишда бирламчи талаб эканлигини доимо ҳисобга олиниши лозим. Яъни, бир назария тескари назария сифатида Энгель қонуни амал қилади, унга асосан умумий истеъмолда озиқ-овқат харажатлари улушининг пасайиши уй хўжаликларининг фаровонлиги ошиши билан изоҳланади.

Юқоридаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, озиқ-овқат товарлари бозори ўзини тўлиқ тартибга сола олмайди ва шунинг учун ташқи аралашувни талаб қилади, масалан, давлат ва нодавлат ташкилотлари. Ушбу бозорда нархларнинг жиддий ўзгариши ишлаб чиқарувчи ҳам, истеъмолчи учун ҳам салбий роль ўйнайди. Шунинг учун жаҳон мамлакатлари миллий ҳукуматларининг асосий вазифаси озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларнинг кескин ўзгаришининг олдини олиш, ишлаб чиқариш ва истеъмолни камайтириш ва умуман бозорни беқарорлаштиришни иқтисодий сиёсатнинг доимий муаммоси сифатида қарайди.

Жаҳон озиқ-овқат товарлари бозорини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг мақбул миқдори ва сифатини таъминлаш воситаси бўлган оқилона озиқ-овқат саватчаси тушунчаси кенг қўлланилади (бу халқаро тиббий стандартларга мувофиқ кунига 3250 калорияни ташкил этади). Унда нафақат истеъмол савати таркибидаги эксперт баҳолари, балки Д.Гордон ва В.Садков асарларида таҳлил қилинган камбағаллик мезонлари, шунингдек, ёшга, жинсга боғлиқ бўлган қўшимча омиллар, турмуш даражаси, даромад, касб каби омиллар ҳисобга олинади.

Жаҳон аҳолисининг кўпайиши озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосининг янада кучайишига олиб келади ва бунинг сабаби шундаки, аҳоли сонининг кўпайиши талаб қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини

ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига дош беролмаётган олдинги технологик тартибга шубҳа туғдирмоқда. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг ўсиши аста-секин жамиятни қишлоқ хўжалигининг технологик тузилмасини ўзгартиришга мажбур қилмоқда ва шунинг учун қишлоқ хўжалигига инвестицияларни кўпайтириш талаб этилади.

Аҳоли муаммосининг иқтисодий томонларини аниқлаш биринчилардан бўлиб, иқтисодчи олим Т.Мальтус тадқиқотларида ўрганилган. У дунё аҳолисининг кўпайиши очликка олиб келиши мумкин, деган назарияни илгари сурди. Олимнинг тақсимот қонуни, биринчи навбатда, ҳар чорак асрда аҳоли икки баравар кўпайишига (геометрик прогрессияда), тирикчилик эса фақат арифметик прогрессияда, яъни, аҳоли озиқ-овқатга қараганда тезроқ ўсишини ўзининг тадқиқотларида асослашга ҳаракат қилган. Т.Мальтус, балансни сақлаш учун ўсиш эҳтиёжларини мувозанатлаш назариясини илгари суради. Бироқ, инсонни озиқлантириш ва тирикчилик неъматларини яратиш бўйича инновациялар назарда тутилганда Мальтуснинг назариялари замонавий бозорга хос бўлмаган ёндашувлар эканлиги ўз аксини топади. Био-кимёвий озуқаларни ишлаб чиқариш бўйича мисли кўрилмаган инновациялар озиқ-овқат товарлари бозорини инсон эҳтиёжларидан кўпроқ ишлаб чиқариш мумкинлигини инновациялар асосламоқда.

Умуман олганда, деярли барча олимлар озиқ-овқат товарлари бозорини озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият тури сифатида тушунадилар. "Озиқ-овқат бозори" тушунчаси нафақат сотиш шартларини, балки маълум иқтисодий мазмунга эга ва иқтисодий муносабатларни ўз ичига олган узлуксиз жараён сифатида ҳам тавсифланади. Ушбу муносабатларнинг таркибий элементлари тўғридан-тўғри ва тесқари бозор муносабатлари асосида шакллантирилади, улар доимо минтақавий хусусиятлар, тўлов қобилиятига эга талаб, шунингдек, бозор муносабатлари ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини тартибга солишнинг усуллари таъсирида бўлади.


Озиқ-овқат бозоридаги иқтисодий муносабатларнинг моҳияти, бир томондан, харажатларни қоплаш, иккинчи томондан, қиймат қонунида ёки озиқ-овқат бозори фаолиятининг асосий қонунида назарда тутилган эквивалент алмашинув асосида эҳтиёжларни қондиришдир.

Характерли белгиларига қараб озиқ-овқат товарлари бозорларининг кўп турлари мавжуд (Қаранг: 1-расм).

Озиқ-овқат товарлари бозори ҳудудий камрови бўйича дунё, давлатлараро, умуммиллий, минтақавий ва маҳаллий бозорларга бўлинади. Таъминот нуқтаи назаридан, экспорт қилувчи ва импорт қилувчи бозорларга ажратилади. Товарлар ҳаракати шаклига кўра, улгуржи (B2B) ва чакана (B2C) бозорлар ажралиб туради, сақлаш муддати бўйича узоқ муддатга мўлжалланган товарлар бозори ва тез бузиладиган маҳсулотлар бозори каби таснифланиши мақсадга мувофиқ.

Озиқ-овқат товарлари бозори уни бошқа турли товарлар бозорларидан ажратиб турадиган бир қатор характерли иқтисодий хусусиятларга эга. Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижаларини умумлаштириш асосида озиқ-овқат бозорининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- етказиб бериш ҳажмида бошқаришнинг чекланганлиги;
- беқарорлик ва нотекис таъминот;
- таъминотнинг эгилувчанлиги;
- талабнинг эгилувчанлиги;
- юқори саноат хавфлари;
- талабнинг узлуксизлиги;
- бошқа бозорларга нисбатан юқори харажатлар;
- бошқа бозорлар билан таққослаганда юқори рақобат;
- минтақавий тафовутлар, уларни бартараф этишнинг қийинлиги;
- маданий анъаналарнинг ишлаб чиқариш таркибига таъсири.



сут, сабзавот, мева ва бошқа бозорларга бўлиб таснифланиши тавсия этилади.

Озиқ-овқат бозорининг асосий турлари товарларни савдо орқали сотиш жараёнида амалга ошириладиган талаб ва таклиф муносабатларидир. Бу ишлаб чиқаришдаги таркибий силжишларни келтириб чиқарадиган, нархлар даражаси ва динамикасига таъсир этувчи, агробизнес секторлари ўртасида капиталнинг ошиб боришига ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Шунга асосланган ҳолда озиқ-овқат товарлари бозори алоҳида элементларнинг ўзаро алоқавий тизимлари олимлар томонидан ўрганилган.

Озиқ-овқат бозори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўз ишлаб чиқариш ҳажмини бошқариш имкониятига эга эмаслиги учун ҳам табиий омилларнинг билвосита таъсирига учрайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва таклиф ҳажмининг ўзгариши нархлар ва талаб даражаларининг динамикасига юқори эгилувчанлиги кузатилади.

Озиқ-овқат бозори доимо барқарор эмас, йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўплаб турлари бозорга нотекис, мавсумий кириб бориши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзи мавсумийлиги ва

об-ҳаво шароити туфайли йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозорга нотекис кириб келиши кузатилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нарх сигналларига ёмон таъсир кўрсатмоқда, чунки тармоқдаги белгиланган харажатлар ўзгарувчан харажатлардан ошиб кетади; белгиланган харажатларнинг юқори даражаси кўпинча ишлаб чиқариш ҳажми пасайган тақдирда ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий-иқтисодий аҳволининг ёмонлашишига олиб келади.

Аксарият озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб нархларда номувофиқ бўлиб, бу фойда самарасининг пасайиши қонуни билан изоҳланади. Аҳоли маълум озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда нисбатан барқарор. Айрим турдаги маҳсулотларни истеъмол қилишни кўпайтириш учун нархларнинг сезиларли даражада пасайиши талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик бозор шароитларининг сезиларли беқарорлиги, табиий омиллар, шунингдек, йил давомида маҳсулотларнинг бозорга нотекис кириб келиши туфайли ортиб боровчи хавфлар билан тавсифланади. Бу бозор нархларининг ўзгаришини келтириб чиқаради, келажакда фойдаланиш учун маҳсулот сотиб олиш ва сақлаш учун кўшимча харажатлар ҳисобига ортади.

Истеъмолчилар озиқ-овқат маҳсулотларини нисбатан тенг равишда истеъмол қиладилар ва уни узоқ вақтга қолдиролмайдилар. Бозор ҳажми нафақат одамларнинг сони, балки унинг озиқ-овқатга бўлган физиологик эҳтиёжлари билан ҳам белгиланади.

Озиқ-овқат бозори юқори рақобат билан ажралиб туради, қишлоқ хўжалигининг кўплаб ишлаб чиқарувчилари мавжуд, уларнинг бозордаги позициялари фақат ўзларини йўналтира оладиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозор нархларига таъсир қилмаслиги билан мураккаблашади.

Минтақавий тафовутлар озиқ-овқат бозорига сезиларли таъсир қилади, улар нафақат қишлоқ хўжалиги хомашёси, тайёр маҳсулотлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг турларини, балки транспорт харажатларини, шунингдек,

ишлаб чиқариш харажатлари ва бозор нархларини ҳам белгилайди. Айрим қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг истеъмол марказлари, қайта ишлаш ва сақлаш жойларидан узоқда жойлашганлиги, уларга қулай шароитларда сотишни таъминламайди.

Миллий урф-одатлар, маданий ва иқлим хусусиятлари маълум ҳудудлар аҳолиси талаб ва тақлифининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда, бу ўз навбатида кўп жиҳатдан ҳудудий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатининг таркибини ташкил этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2017-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал ПФ-4947-сонли Фармони. www.Lex.uz

2. Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 март ПҚ-4239-сонли қарори. Lex.uz

3. Аминова М.С. Озиқ-овқат товарлари В2В бозорида сотиш тизимини такомиллаштириш: мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Урганч: УрДУ, 2021.

4. Савельева А. Трансформация мирового рынка продовольствия и опыт адаптации к его новым условиям (на примере Бразилии): Автореф. ... дисс. канд. экон. наук: / Савельева Алина Вячеславовна. – Москва: РУДН, 2013.

5. Садков В. Формирование эффективной стратегии развития регионов на основе совершенствования расчетов потребительских бюджетов / В.Г.Садков, Л.И.Старикова, Е.В.Новикова //Управление общественными и экономическими системами, 2011. – № 2.

6. Холмуротов Ф.С. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишини оптимал тартибга солиш усуллари (Хоразм вилояти мисолида)” мавзусидаги (иқтисодиёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

автореферати. – Урганч: УрДУ, 2021

7. Gordon D. Indicators of poverty and hunger / D. Gordon // Expert group meeting on youth development indicators. - 2005. - P. 12-14

8. <http://www.inosmi.info/agentstvo-fema-prognoziruets-ryad-sotsialnykh-volneniy-vyzvannykh-podnyatiem-tsen-na-prodovolstvie-na.html> (дата обращения 22.11.2016).